29 03 95

Бугун баробардир Кеча ва Кундуз-
Олам меҳварида Қуёш барқарор!

Ватанни севмак иймондандур!

Ўзбекистон овози

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1995 йил 21 март, сешанба №35 (21.798.) Сотувда эркин нархда.

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ НАВРЎЗ ТАБРИГИ

Азиз ватандошлар!

Юртимизга улуғ айём — Наврўзи олам кириб келмоқда.

Наврўз — баҳор ва гўзаллик байрами, ёшариш ва янгиланиш байрами.

Наврўз айёмини — табиат уйғонадиган ойни ўтмишда яшаган боболаримиз «Улуғ ой» ёки «Умид ойи» деб атаганлари катта маънога молик. Чунки, баҳор келиши билан баракали ва мўл ҳосил олиш учун янги меҳнат мавсуми бошланадиган бу ажиб даврда, нафақат табиат, балки инсон умидлари ҳам куртак очади, инсонлар дили покланади.

Наврўз қадим-қадимлардан халқимиз учун, диёримиз учун меҳру мурувват байрами бўлиб келган.

Бу улуғ айёмда бева-бечораларнинг, етим-есирнинг ҳолидан хабар олиш, кўнгли яримларга таскин бериш — халқимизнинг энг буюк фазилатидир.

Бу улуғ айёмда эски гина ва аразлар унутилади, халқлар ва миллатлар жипслашади, ўзаро меҳру муҳаббат ҳукм суради, буюк ишларнинг режалари тузилади.

Халқимиз ибораси билан айтсак, ҳаёт — бизга худо ўлчаб берган омонат. Охир-оқибатни ўйлаб яшаган инсон ҳеч қачон кам бўлмайди. Биламизки, бойлигу давлат келади-кетади, аммо комил инсонлардан яхшилик қолади, ном қолади, савобли ишлар қолади.

Бугун ҳар бир диёнатли инсон: «Юртимиз тинч, халқимиз тотув бўлсин. Ҳар бир оила мустаҳкам бўлсин, ҳар бир хонадон дастурхони тўкин-сочин бўлсин. Ҳар бир инсон бахтли-саодатли бўлсин», дея эзгу ният ва умидлар қилмоқда.

Ўзлигимизни англаб, миллий қадриятларимизни тиклаб, ота-бобомиздан мерос бўлиб қолган анъаналарни юксак кўтараётганимизнинг ҳам, олиб борилаётган халқчил сиёсатнинг ҳам маъно ва муддаоси аслида шу.

Ўзаро меҳру оқибатимиз кун сайин зиёда бўлиб, адолат қарор топса, поклик ва ҳалоллик одатга айланса — ана шундагина биз тилагимизга етамиз.

Бугунги улуғ айём кезларида яна бир фикрни баён этишга ижозат бергайсиз. Референдум — умумхалқ овоз бериши арафасида одамларимиз турли жойларда бугунги сиёсатимизга ўз муносабатларини очиқ-ойдин билдирмоқдалар.

Халқимиз бугунги мураккаб ўтиш даврида, шунча қийинчилик, етишмовчилик ва бошқа оғир ташвишларга сабр-тоқат билан бардош бериб, ўз якдиллиги ва ҳамфикрлиги билан жаҳон жамоатчилигини ҳайратда қолдирмоқда.

Давлатимизнинг сиёсатига билдирилган ишонч ва хусусан, менинг шаънимга айтилган фикрларни ғоят юксак қадрлайман. Олижаноб халқимиз олдида бош эгиб таъзим қиламан. Ва бугунги муқаддас байрам онларида чин қалбимдан айтмоқчиман: бутун умримни, бутун борлиғимни, керак бўлганда жонимни ҳам сизларга, халқимга бахшида этишга тайёрман!

Азиз дўстлар!

Бу йилги Наврўзнинг ҳам юртимизга қадамлари қутлуғ келсин!

Юртимизни ёмон кўзлардан асрасин!

Ҳар бир хонадондан меҳру оқибат, бахту саодат ва тинчлик-тотувлик асло аримасин!

Қилаётган эзгу ишларимизда Оллоҳнинг ўзи мададкор бўлсин!

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

Суратда: қабул пайти.

Р. НУРИТДИНОВ (ЎзА) олган сурат.

20 март куни Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Халқаро валюта жамғармаси иккинчи Европа департаменти маслаҳатчиси Лейф Хенсенни қабул қилди.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон билан халқаро валюта жамғармаси ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Қабул маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Б. Ҳамидов, республика Марказий банки бошқаруви раиси Ф. Муллажонов иштирок этди.

Учрашувда халқаро валюта жамғармасининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари И. Салкаи ҳозир бўлди.

(ЎзА).

26 март – умумхалқ референдуми куни

ЯНГИ САРОЙДА ТАНТАНА

Жалолқудуқ тумани Суфиқишлоқ пахта тозалаш заводи жамоаси Наврўз тантаналарини янги қурилган маданият саройида ўтказишди.

Пахта тозаловчилар 400 ўринли мазкур маданият саройини ўзлари ишлаб топган маблағ ҳисобига қурдилар. Бундан ташқари улар корхонанинг қўш равотли дарвозахоналарини тўла таъмирлашиб, янги савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шоҳобчалари ҳам бунёд қилдилар. Шу тариқа миллий меъморчилик ансамбли юзага келиб, маданий-маиший комплекс пайдо бўлди. Бу жой туман марказига чирой қўшиб, жалолқудуқликларнинг севимли манзилгоҳига айланди.

— Корхонамиз меҳнат жамоаси Наврўз шарофати билан қаровчисини йўқотган ва кам даромадли 50 оилага моддий ёрдам кўрсатди, — дейди завод касаба уюшмаси қўмитасининг раиси Маъруфжон Каримов.

Дарҳақиқат, 26 март куни бўладиган умумхалқ референдуми ҳам шу ерда ўтказилади. Ҳеч шубҳа йўқки, мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотлар ва миллий қадриятларимизнинг тикланаётгани туфайли ана шундай қулайликларга эга бўлаётган жалолқудуқликлар умумхалқ референдумида Олий Мажлис қарорини бир овоздан маъқуллайдилар.

Сафарали АБДУРАҲИМОВ,
Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси.

МУШТАРАК МАҚСАД ЙЎЛИДА

Шанба куни Яккасарой туманидаги Қушбеги ва Бошлиқ маҳаллалари аҳолиси 127-мактаб биносидаги катта саройга йиғилдилар. Президент ваколатлари муддатини 2000 йилгача узайтириш бўйича ўтказиладиган республика референдумида фаол қатнашиш бўйича ЎзХДП Яккасарой туман кенгаши биринчи котиби А. Абдуллаев, Қушбеги маҳалласи оқсоқоли О. Толипов, Бошлиқ маҳалла оқсоқоли И. Қурбонов, 127-мактаб директори Ф. Жамолов, маҳаллалар бўйича тўй, маросимлар ўтказиш комиссияси раиси Ф. Набиев ва бошқалар сўзга чиқдилар. Ҳамманинг фикри бир жойдан чиқди: 26 март куни яккасаройликлар якдиллик билан референдумда қўйилган саволга ижобий жавоб беришга аҳду паймон қилишди.

А. ҲАМРОҚУЛОВ.

ҚИЗҒИН ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАМОҚДАЛАР

Фарғоналиклар Олий Мажлиснинг биринчи сессияси якунлари, унда мамлакат парламентининг республика Президентининг ваколатлари муддатини узайтириш масаласи бўйича 26 март куни референдум ўтказиш тўғрисидаги қарорини қизғин қўллаб-қувватламоқда.

— Мен Олий Мажлиснинг Президентимиз ваколатлари муддатини 2000 йилгача узайтириш масаласи бўйича референдум ўтказиш ҳақидаги қарорини тўла маъқуллайман ва барча ватандошларимни ана шу сиёсий тадбирда фаол қатнашишга ва унда Президентимиз ваколатини ёқлаб овоз беришга чақираман, — дейди Фарғона Давлат дорилфунуни рус ва чет эл адабиёти кафедрасининг катта ўқитувчиси Ледя Хлопова. — Ахир, қайси юрт бизнинг мамлакатимизчалик тинч-осойишта. Ўзбекистонда истиқомат қилаётган барча халқлар дини ва миллатидан қатъи назар тенг ҳуқуққа эга. Биз ҳаммамиз юртбошимизнинг диёримизда миллатлараро муносабатларни барқарорлаштиришга қўшаётган ҳиссаси нақадар улкан эканини кўриб, билиб турибмиз. Биргина гўзал Фарғонамизнинг ўзида 60 миллат вакиллари тинч ҳаёт кечириб, меҳнат қилмоқда.

Юртбошимиз халқ манфаатини ҳимоя қилишга қаратилган кўплаб фармонлар чиқарди. Ана шу фармонларга мувофиқ пенсия ва нафақалар оширилди, кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам бериляпти, шароитимиз яхшиланмоқда.

— Мамлакатимизда иқтисодий ислоҳотлар тобора кенг қулоч еймоқда, — деди Фарғона тўқимачилик комбинатининг ходими Раъногон Тошпўлатова. — Бу борада амалга оширилаётган ишларни бизнинг корхона мисолида ҳам кўриш мумкин. Ҳозирда бизнинг жамоа ҳиссадорлик жамиятига айлантиришяпти. Бу ишлар шу йил ниҳоясига етади. Бу ўз навбатида ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш, бозоргир маҳсулотни кўпайтиришга ёрдам беради.

Референдум куни мен Президентимизни ёқлаб овоз бераман. Чунки мамлакатимизда бошланган улкан ишларни фақат Ислом Каримовгина поёнига етказиши мумкинлигига ишонаман.

(ЎзА).

ХАЙРЛИ ИШЛАР МУҚАДДИМАСИ

Президент Ислом Каримовнинг илк Фармони эълон қилинганига яқинда беш йил тўлади. Эсланг, у нима ҳақда эди?

... Ўша куни — 25 мартда газеталар одатдагидек расмий материалларга тўлиб чиқди. Биринчи саҳифада Ислом Каримовнинг минбарда тушган сурати: у Ўзбекистоннинг биринчи Президенти сифатида қасамёд қилмоқда. Пастроқда — унинг Олий Кенгаш сессиясида Президент сифатида сўзлаган илк нутқи. Ҳамма ўзини газета дўконларига урган — Президентнинг нутқини ўқимоққа, ундан ўзича хулосалар чиқармоққа тиришган. Деярли барчанинг тилида бир савол — «Энди бу ёғи нима бўлади?» Сабабки, СССР деб аталмиш империя ҳали мустаҳкам, ҳали «марказ»нинг ҳам кўп ишларда қўли баланд. Унга ўзбекларнинг бу «ўзбошимчалиги» ёқмаслиги табиий. Айримлар шуларни ўйлаб ташвишда бўлса-да, кўпчилик хурсанд — «Энди ўз Президентимиз бор!...» Президентлик — уларга ўшанда ҳам республика мустақиллигининг тимсоли бўлиб кўринган бўлса, не ажаб.

Ўша кунлари кўпчилик Ўзбекистоннинг илк Президенти ҳақидаги хабарлар билан бўлиб, бошқа бир воқеани деярли сезмади: СССРнинг биринчи (кейин бил сакки, охирги) Президенти Михаил Горбачёвнинг илк Фармонлари ҳам матбуотда эълон қилинган эди.

— Горбачёвнинг шу иши менга умуман ёқмади,— деди ҳамкасбларимдан бири.— Биринчи Фармони — Президент кенгашини тузиш ҳақида бўлибди. Ахир, бу янги политбюро дегани-ку! Бунча майдалашмаса бу Миша амаки.

— Энди Ислом Каримов нима қиларкан?— деди бошқа ҳамкасбимиз.— Унинг дастлабки Фармонлари нима ҳақда бўларкан?

— Нима ҳақда бўлишини билмайману, лекин Ислом Каримов Президент сифатидаги биринчи қадамини савобли ишдан бошлаши аниқ. Мана, кўрасизлар.

Журналист дўстимизнинг кўнглидаги бу комил ишонч қаердан пайдо бўлди, ҳозир аниқ айтолмайман. Балки И. Каримов 1989 йилнинг ёзида Ўзбекистон раҳбари этиб сайлангандан сўнг ўтган қисқа вақт ичида юртимизда бошланган хайрли ишлар — қишлоқ аҳлига томорқа учун ер ажратилиши, «оқ олтин» якка ҳокимлигига чек қўйиш учун ташланган илк қадамлар, ўқувчи ва талабаларнинг пахта теримидан озод қилиниши — уни шундай дейишга ундаган-дир. Балки, у И. Каримовнинг Президент сифатидаги илк нутқини ўқиб, шунчалик дадил гапиргандир. Мана, ўша тарихий нутқдан айрим сатрлар:

«Ўзбекистон Президенти сифатида ўзимнинг асосий вазифаларим нималардан иборат деб биламан?

1. Ўзбекистоннинг сиёсий мустақиллигини мустаҳкамлаш ва янада такомиллаштириш, уни янги ва ҳаётий мазмун билан бойитиш.

2. ... Республиканинг иқтисодий мустақиллигини, ўз-ўзини идора қилишга ва ўзини-ўзи пул билан таъминлашга ўтишини амалга ошириш.

3. Меҳнаткашларнинг, аҳолининг барча табақалари фаровонлигини ошириш, одамларнинг талаб-эҳтиёжларини қондириш, ижтимоий соҳани тез суръатлар билан ривожлантириш...

4. Президент фаолиятининг... муҳим вазифаларидан бири халқни маънавий юксалтириш, инсоннинг ахлоқий ва жисмоний такомилидир...»

Буларни эса «Миллий-ижтимоий тараққиёт йўлида барча соғлом кучларни бирлаштирибгина ҳал қилиш мумкин».

Ва Ислом Каримов барча соғлом кучларни ўз вақтида бирлаштирди. Мамлакатимизни таҳдид солиб турган фуқаролар низосидан сақлаб қолди. Уни дунёнинг энг тинч ва осойишта мамлакатларидан бирига айлантирди.

Бугун — орадан беш йил ўтгач, ўша тарихий кунда Президент улусга ваъда бериб айтган ва ният қилган ишларнинг деярли барчаси амалга ошганлигини ва ошаётганлигига гувоҳ бўлиб турибмиз.

Халқда, ниятингга яраша бўласан. Улуғ инсонни эса улуғ орзулар рўёбга чиқаради деган ибратли калом бор.

Ўзбекистон Президентининг илк Фармонлари ҳам ана шундай — улуғ орзулар йўлидаги биринчи қадамлар бўлди.

... Ҳамкасб журналистларнинг ўзаро суҳбатидан сўнг кўп ўтмади — 1990 йилнинг 4 майида Ислом Каримовнинг илк Фармонлари матбуот юзини кўрди ва, не тонгки, қаламкаш дўстимиз ҳақ бўлиб чиқди. Ўзбекистон Президентининг илк Фармонлари, ҳақиқатан ҳам, савобли ишлар ҳақида эди. Уларнинг биринчиси «Кўп болали оналарга нафақа миқдорини кўпайтириш тўғрисида» бўлса, иккинчиси яқиндагина ўтган «Наврўз» байрами якунларига бағишланган эди.

Энг болажон, энг оилапарвар халқнинг Президенти бошқача йўл тутиши мумкинмиди? Ўшанда И. Каримов ўзининг илк Фармони билан серфарзанд оналарга берилаётган нафақа миқдорини бир йўла икки баравар оширди. Бундай қадам балки бугун, Ватанимиз ҳам иқтисодий, ҳам сиёсий жиҳатдан мустақилликка эришгач, унчалик дадил иш бўлиб туюлмас. Аммо, ҳали марказ зуғуми баланд бўлган ўша кунларни эсласак, ўзбек аёлларига «Ўзбошимчалик» билан кўрсатилган бундай ғамхўрлик республика раҳбарига жуда қимматга тушиши мумкин эди. Аммо ўзинг дадил ва ишингга пишиқ бўлсанг, рақибинг ҳам ҳурматингни жойига қўйишга мажбур.

Умуман камҳарж оилалар, етим-есирлар, пенсионеру ногиронлар — нуфуснинг кўмакка муҳтож қисми — кучли ижтимоий ҳимоя кейинчалик ҳам Президентнинг доимий диққат марказида бўлиб қолди. Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётига ўтиш йўлини белгилаб берган машҳур беш тамойилдан бири шу муаммога бағишланганлиги ҳам бежиз эмас. Зотан, мамлакатимизнинг илк олий нишонларидан бири ҳам «Соғлом авлод учун» ордени деб аталди.

Баҳор келинчаги — «Наврўз» оламга сепини ёйган бугунги шодиёна кунларда Президентимизнинг иккинчи рақамли Фармонини эсламаслик — адолатсизлик. Ахир, куни кеча эмасмиди, «Наврўз»нинг диний байрам, бидъат деб аталгани, таъқиқлангани. Сумалак тўла қозонлар ағдарилиб, «Наврўз»га бағишланган асарлар кутубхоналардан териб олингани, муаллифлари «хатга тушгани». Бундан олти-етти йил бурун «Наврўз» бугунгидек умумхалқ байрамига айланишини ким ҳам ўйлабди, дейсиз. Бироқ, шукрки, бугун шундай. Нафақат мол-мулк, маош, маблағу хомашё, хатто байрам ҳам «марказ»дан белгилаб бериладиган замонларда унинг юртбошимиз томонидан расман умумхалқ байрами деб эълон этилиб, дам олиш куни сифатида белгиланиши — барчамиз фахрлансак арзийдиган иш. Энди юртимизда кечаётган шодиёналарни кўриб, ўйлайсан киши: ахир «Наврўз»ни фақат ўзбекларнинг эмас, сал кам юз эллик миллатнинг — бутун Ўзбекистон халқининг қутлуғ байрамига айлантирса бўларкан-ку! «Наврўз» баҳона шунча халқни бирлаштириш, дўстлаштириш, иноқлаштириш, уларга чексиз қувончу шодлик бахш этиш мумкин экан-ку. Юртнинг ёшу қарисини, эркагу аёлини покликка, ҳалолликка, меҳр-мурувватли, адолатли, шафқатли бўлишга чорлаб, уларнинг дуосини олиш мумкин экан-ку! Ҳа, мумкин! Фақат элнинг бошида дадил ва омилкор раҳбар турса!..

Йиллар ўтади. Муаррихлар биз яшаётган ушбу мураккаб даврни синчиклаб ўрганадилар. Турли баҳс-мунозаралар бўлади. Аммо улар бир фикр бобида якдил бўладилар:

Ислом Каримов ўзининг Президентлик фаолиятини яхши ниият билан жуда хайрли ишлардан бошлади ва шу йўлда собит қолди.

Қулман ОЧИЛ.
(ЎзА).

«ИСТИҚЛОЛ ВА МАЪНАВИЯТ»



«Ўзбекистон» нашриёти Ислом Каримовнинг «Истиқлол ва маънавият» китобини босмадан чиқарди. Унда юртбошимизнинг маъруза ва нутқлари, асарларида баён этилган маърифат ва маънавиятга оид фикрлари жамланган. Унинг сўзбошисида таъкидланишича, истиқлол ва маънавият бир-бирига ғоят боғлиқ тушунчалар. Маънавияти буюк халқни қул қилиш, абадий истибдодда сақлаш мумкин эмас. Шу каби маънавиятнинг камол топиши, қалбларга сингиши учун истиқлолни мустаҳкамлаш ҳам лозим бўлади. Қудратли давлат, буюк ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар қудратли маънавият заминида вужудга келади. Ҳар шахснинг ва бутун миллатнинг камолоти орқали демократик ҳуқуқий давлат барпо этилади. Давлатимиз раҳбари шу боис ҳам маърифат ва маънавиятга доимий эътибор бериб келмоқда. Шу оқилона сиёсат туфайли халқимиз ўзлигини таниб, ўз шажарасини идрок этмоқда.

И. А. Каримов ҳар бир маъруза ва нутқида, суҳбатларида маънавиятнинг аҳамияти ва ролига тўхтаб ,ўтади, унинг асарларида маънавият ўзига хос йўлдан бораётган республикамиз тараққиётининг устивор тамойилларидан бири сифатида асослаб берилган, маърифат ва маънавиятнинг ривожланиш негизлари, қудрати ва аҳамияти, маънвий камолот йўллари кўрсатилган, бу соҳадаги вазифа ва тадбирлар белгиланган. Президентимиз асарлари, нутқларида халқимизнинг дилдилидан жой олган илҳомбахш, пурмаъно фикрлар баён этилган. Бу фикр мулоҳазалар халқимиз маънавияти ва маърифатини ривожлантириш ишининг муҳим дастуридир. Китобда олинган иқтибосларнинг манбаси кўрсатилган, шунингдек, китобхонларга қўшимча қулайлик туғдириш мақсадида библиография ҳам илова қилинган.

ФАОЛЛАР ЙИҒИЛИШИ

НУКУС. Қорақалпоғистон Республикаси фаолларининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Республика Олий Мажлиси биринчи чақириқ биринчи сессияси якунлари ва Республика Президенти И. А. Каримовнинг Узбекистоннинг сиёсий ижтимоий ва иқтисодий иқтиқболининг асосий тамойиллари хусусидаги маърузасидан келиб чиқадиган вазифалари ҳақида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси раиси Уббиниез Аширбеков маъруза қилди.

Маърузачи ва музокараларда қатнашганлар бозор муносабатларига ўтиш шароитида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, мулкнинг давлат тасарруфидан чиқарилиши ва хусусийлаштириш борасидаги вазифаларга тўхталдилар. Республикамиз Президенти ваколатини узайтириш масаласида референдум ўтказиш тўғрисидаги Олий Мажлис қарори бир овоздан маъқулланди.

Фаоллар йиғилишида Узбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Журабеков нутқ сўзлади.

Йиғинда Узбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х. Жураев, Узбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раиси ўринбосари Б. Бугров қатнашдилар. Муҳокама қилинган масалалар юзасидан қарорлар қабул қилинди.

Р. ЕШИМБЕТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

БАЛАНД АЙЛАБ ҚУЁШҒА ПОЯ НАВРЎЗ,

БАРЧА ШОДОНДУР БУ КУН...

Наврўз Шарқда бир неча минг йиллардан буён яшаб келмоқда. Кўп асрлар давомида македониялик Александр, араблар, мўғуллар каби бир қанча босқинчи қўшинлар бу қадимий байрамни йўқ қилиб юборишга ҳаракат қилдилар. Аммо у барҳаёт қолаверди. Қайта тирилаверди. Наврўз бирон бир санани нишонлаш учунгина байрам қилинадиган ҳодиса ҳисобланмайди. У табиатнинг ўзидан келиб чиққан, куну тун тенглашгандан сўнг, энди кунларнинг узайиши, узлуксиз меҳнат арафасидаги байрамдир. Узоқ қишдан сўнг кўкда қуёшнинг юз кўрсатиши, қирда майса-гиёҳларнинг ниш уриб чиқиши халқимиз учун ҳақиқий шодиёнага айланган. Ўтган йилги йиғилган ғалла ҳам, озиқ-овқатлар ҳам соб бўлай деган, иликузди пайтларда яна Она Табиатнинг ўзи меҳр-мурувват кўрсатиб, ёруғ кунлардан дарак берган. Шу кунларгача эсон-омон етиб келган қарияларнинг ҳам томирларида қайтадан ғайрат жўш урган.

Бу байрамни форс, араб, туркий тилларда сўзлашувчи барча халқлар ҳар йили баҳорда нишонлаб келишган. Қадимий, анъанавий Янги йил байрамимиз ҳақида улуг боболаримиз Абу Райҳон Беруний «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар», Маҳмуд Қошғарий эса «Девону луғотит турк» асарида жуда қизиқарли маълумотлар ёзиб қолдирганлар, Умар Ҳайём олим, шоир, файласуф сифатида бу байрам ҳақида «Наврўзнома» номли махсус китоб ёзганлар. Навоийнинг устози — туркигўй шоирларнинг маликул каломи — Лутфий домла «Гул ва Наврўз» ўлмас достонини яратганларки, бу асар ҳамон саҳналаримизни безаб, бизга Наврўз ҳақида адабий-бадиий тушунча, маълумот беришда давом этиб келаётир.

Бу айёмга бизнинг кунларимизда ҳам бир муддат ҳужум уюштирилди. Аммо қадимий одатимиз бу галги қатағондан ҳам эсон-омон ўтиб олди. Мана, бугун яна бизлар ҳам барча Шарқ халқлари сингари ўз миллий урф-одатларимиз Наврўз — йил бошини бор малоҳати, бўйбасти билан кўз-кўз қилиб ўтказяпмиз. Наврўз кеча билан кундузнинг тенглашган пайти, баҳор фаслининг 21-22 март кунларидан бошлаб бир ҳафта, ўн кун давомида ўтказилган. Бу байрам, аввало, табиатнинг жонланиши, янгиланиши билан юртимизга гўзал Баҳор фаслининг кириб келиб, келинчакдек ўз яшил сепини кенг ёйиши билан бошланган.

Маҳмуд Қошғарий ҳам Наврўз тўғрисида ўн икки мучал йил ҳисоби билан боғлаб турли маълумотлар беради ва баҳорга бағишланган халқ қўшиқларидан намуналар келтиради. Ривоятлардан бирида Наврўзга бориб тақаладиган мучал ҳисобидан ҳайвонлар номларини тилга олиб шундай ёзади; «Турклар бу йилларнинг ҳар қайсисида бирор ҳикмат бор, деб таҳминлайдилар. Масалан, уларда сигир йили булса, уруш кўп булади, чунки сигир бир-бири билан сузишадиган ҳайвон. Товуқ йилида озиқ-овқат кўпаяди, лекин одамларда ташвиш ортади. Чунки товуқнинг овқати дон булиб, уни топиб ейиш учун нарсаларни титиб юради. Тимсоҳ йили кирса, ёғингарчилик ва ҳосил кўп булади, чунки у сувда яшайди. Тўнгиз йили кирса, совуққор ва фитна кўп булади... Кучманчи ва мусулмон бўлмаган турклар ойларни тўрт фасл билан атайдилар, Ҳар уч ойни бир исм билан юритадилар, Масалан, Наврўз (янги кун)дан кейин аввал баҳорга боғлиқ ой, сўнгра улуғ Оғлоқ ой дерлар. Чунки бу вақтда катта булиб қолади...» Наврўздан бошлаб йилнинг илк фасли саналган ва барча фаслар табиат қонуни ҳамда осмон сайёралари (Ой, Қуёш) ҳолатига қараб белгиланган.

Тарихимиздан жуда яхши биламизки, қадимги Урта Осиёда ва Эронда Наврўз нафақат халқ, балки давлат байрами сифатида ҳам нишонланган. Тарихий маълумотларга қараганда, одамларни табақаларга бўлиб уни бир ойга чўзиб ҳар беш кунни бир табақага таллуқли деб ҳисоблаганлар. Масалан, Эронда биринчи беш кунлик подшоларники, иккинчиси, задогонзодларники, учинчи беш кунлик подшо хизматкорлариники, тўртинчи ва олтинчиси деҳқонларники ҳисобланган. Подшо Наврўзнинг беш кунлигида шоҳ байрамни бошлаб берган ва фуқароларга мулоқотда бўлишини ҳамда мурувват қилишини эълон қилган. Иккинчи куни у деҳқонлар ва аслзодаларни қабул қилган, учинчи куни отлиқлар ва олий руҳоний (мобед)ларни, тўртинчи куни ўз фарзандлари ва фуқароларини қабул қилган. Олтинчи кун улуг байрам ҳисобланиб, унга «Катта Наврўз» деб ном берилган. Хоразмликлар ва сугдийларда сосонийлар ҳукмронлиги даврида Наврўз билан бирга бир неча ҳалқ байрамлари давлат байрами деб эълон қилинган.

Ҳаётимизда Наврўз билан боғлиқ сақланиб келаётган анъаналардан бири янги тўғилган болаларга Наврўз исмини қўйиш одатидир. Лутфийнинг ажойиб асарларидан «Гул ва Наврўз» достонида Фаррух шоҳнинг ўғли шу куни тўғилгани учун унинг оти Наврўз деб қўйилган. Ҳозир ҳам Самарқанд, Сурхондарё, Қашқадарё, Бухоро вилоятларида Наврўз куни тўғилган бўлса асосан ўғил болаларнинг, Фарғона водийсида эса кўпинча қиз болаларнинг исми Наврўз қўйилади.

Беруний асарларида, Умар Хайёмнинг «Наврўзнома»сида ва бошқа манбаларда илк бор баҳор байрамини нишонлаганда ерга сув қуйиш ёки сепиш, совға-саломлар ҳадя қилиш, аргимчоқларда учиш, ширинлик (қандолат) тарқатиш, етти йил ҳосилини белгилаш, таҳорат қилиш ва ёмғир сувига чўмилиш каби урф-одат, иримлар тўғрисида хабар берилади. Наврўз куни подшоҳ дастурхонига турлича дондан — буғдой, арпа, тариқ, макка, нўхот, ясмик, гуруч, кунжут ёки лобия унидан пиширилган нон қўйилган. Дастурхон ўртасига турли дарахтлардан етти новда, етти оқ коса ва оқ дирҳам, янги динор ҳам қўйилган. Подшога оқ қанд ва кокос ёнғоғи билан махсус таом берганлар, у таомни янги согилган сутга хурма солиб истеъмол қилган. Ҳозиргача Эронда Наврўз дастурхонига маросимга биноан етти ҳил (ҳафтсин) «с» харфи билан бошланадиган нарсалар тортилган. Шу билан бирга қатиқ, сут, қурт ва бўялган тухум, мева, ёнғоқ, бодом ва ҳоказолар қўйилади. Шуниси муҳимки, байрамнинг бош маросим таоми сумалакни ҳам илгари пиширганлар. Қадимий даврларда Наврўз арафасидаги етти кун совуқ бўлиб «ожиз кампир» кунлари деб номланган. Урта Осиё халқларида, шу жумладан ўзбекларда, янги йил маросим таомидан етти дон унидан ғўжа ва сумалак пиширилади. Шу кунларда катта бозорларда савдо-сотиқлар, ялпиз, кўкпиёз, ёш беда ва бошқа кўкатлар солинган турли таомлар, ширинликлар тайёрланади. Тантана ва ўйин-кулгилар билан пишириладиган шоҳона таом сумалак ризқ-рўз, мул-кўлчилик рамзи бўлиб, уни тайёрлаш катта санъат талаб қилади. Одатда, сумалакка кетадиган харажат жамоадан йиғиб олинган ва у пишгандан кейин тенг тарқатилган.

Наврўз байрами катта оммавий сайиллар, халқ ўйинлари, мусобақалар, созанда ва рақҳосалар, масхарабоз ва дарбозлар иштирокида утади. Умар Ҳайём берган маълумотларга асосланиб, шуни таъкидлаш мумкинки, 26 асрдан буён нишонланиб келаётган Наврўз байрами бошланиши билан ўзаро урушлар тўхтатилган, яраши шартномалари битилган, ҳатто дафн маросимлари бошқа кунга кучирилган. Бу байрам шунчалик эҳтиромли, қувончли ва шодлик кунлари сифатида катта тантаналар билан нишонланибгина қолмай, узоқ-яқин қавму қариндош ва дўстларни йўқлаш, касаллар ҳолидан хабар олиш, марҳумлар қабрини зиёрат қилиш, дўстлараро садоқатликни билдириб инсон қадрини эъзозлаш каби одатларга амал қилинган.

Ҳозиргача Наврўзга тайёргарлик дала ишларини ўтказиш тадбирлари билан бирга ўтказилади. Боғ-роғларга гул ва кўчатлар экиш, далаларни экинга тайёрлаш, агротехника ва моддий ресурсларни тахт қилиш, маҳаллий ўғит тўплаш, ариқ ва зовурларни тозалаш каби ишлар бажарилади. Бутун Узбекистонда эрта баҳорда бошланадиган ариқ-зовурларни тозалаш, уларни мавсумга тайёрлаш алоҳида эътибор талаб қилади. Бундай ишлар якка хўжаликларнинг қудрати етмаганлигидан бутун қишлоқ ёки туман аҳли кучи билан ҳашар ёрдамида амалга оширилган. Мана шу пайтда Сурхондарё, Қашқадарё ва Зарафшон водийсида лой тутиш, Хоразмда қазув маросимлари ўтказилган. Лой тутиш маросимини ўтказиш қўйидагича бўлган: бирор киши ариқ қазувчилар олдидан ўтиб қолса, унинг қўлига кетмон ёки белда лой тутқазганлар. Келган киши уни лойи билан олишга мажбур бўлган. Шунда у узининг бирор ҳунарини кўрсатиб қутилиб кетади, ёки ҳашарчиларга зиёфат беришга мажбур булади, ё белгиланган жойнинг ариғини қазиб беради. У қўшиқчи бўлса қўшиқ айтиши, бахши бўлса достон куйлаши, полвон бўлса кураш тушиши, темирчи бўлса ариқ қазиш учун зарур бўлган асбоб-ускуналар ясаб ёки уларни тузатиб бериши лозим. Агар айтилганлардан бирортасини бажара олмаса, у белгилаб берилган ердаги ариқни қазиб, сўнг ўз йўлига кетиши мумкин.

Қушни Тожикистоннинг Ғончи туманида ҳар йили Наврўз маҳали келинчаклар сайли ўтказиш қадим-қадимдан одат тусига кирган. Бу сайилга оқ ҳарир пардалар тутган, қуёвга тушганига бир йилдан ошмаган келинчаклар қатнашишади. Улар пастликда, худди оқ гуллар тўлқинидек кетаверишади. Қўлларида ўзлари меҳр қўйиб тиккан матолари, сузаналари, белбоғлари бўлади. Икки томонда қияликларда турган томошабинлар ўтаётган бирортасини ҳам кўздан қочиришмайди. Келинчакларнинг орзу-умидлари ва армонлари, уй-ҳаёллари битилган матоларнинг қайси бири кўпроқ олқиш олса, ўша ғолиб, мақтовга сазовор бўлади. Бу бенихоя чиройли, гўзал сайилдир. Уларни урганиб, оммалаштириш зарур.

Наврўз байрамининг энг аҳамиятли жиҳатларидан бири кексаларга ҳурмат, уларнинг ҳолларидан хабар олиш, кўмак беришдир. Наврўз тириклик байрами сифатида машҳур бўлиб, унинг яна бир муҳим хосияти бу кунлар марҳумлар ёдига катта аҳамият берилган. Мачиту мадраса, хонадону маҳалла, мозору зиёратгоҳларда қуръон ўқитилиб, жонликлар сўйилган. Етим-есир, болабақралар учун катта дошқозонлар осилиб, қурбонлик таомлари пиширилган. Ҳар бир оила ўз ҳилхоналарини артишса, бошқаларникини ҳам тозалаб, ораста қилишган. Қабрларнинг шикаст-рехтларини таъмир қилишган. Мевали дарахту гул-чечаклар ўтказишган.

Байрам кунлари ораларидан гап қочган қабила, гуруҳ ёки якка шахслар, дўст-оғайнилар, қариндошуруғлар ярашиб, бир-бирларини Наврўз билан табриклаб, эсонлик-омонлик, тинчлик-хотиржамлик тилашган. Қозоқ оғайниларимиз наврўз гўжаси, тожик қадрдонларимиз наврўз кўмочи, биз ўзбеклар эса сумалак, ҳалим, қуш оши каби Наврўз таомлари билан ён қўшнижон қўшнилар бир-бирларимизни сийлаб, байрамни биргаликда ўтказганмиз. Ўзбек, тожик, қозоқ, қирғиз, туркман ва озар халқлари Наврўз баҳонасида бир-бирларининг миллий ўзига хос урф-одатларини, маданиятини тўлдириб, бойитиб борганлар. Бундан халқлар ўртасидаги дўстлик — байналмилалчилик қарор топган, янада мустаҳкамланган.

Айниқса қадимдан ёш-яланглар Наврўз байрамини кутиб олиш ва унинг қизиқарли, жонли, таъсирли ўтишида фаол иштирок қилишган. Айниқса, сумалак, ҳалим тайёрлашда туни билан мижжа қоқмай, турли эртак, ривоятлар, ҳикоятлар айтишиб, ўткир зеҳнларини намойиш қилишган. Кундузлари кўпкари-улоқ, қафас-қафас қурашларда, сайил ўйинларининг барчасида болалар ва ўсмирлар, албатта иштирок этишган. Шунинг учун ҳам қадимий урф-одатларимиз авлодлардан-авлодларга ўтиб, давом этиб, яшаб келган.

Наврўзингиз қутлуг бўлсин азизлар! Бағри бутунлик билан шу айёмларга етган эканмиз, шукроналар айтамиз!

Мирбаҳодир БАДАЛОВ,
Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси.

ҲИНДИСТОННИНГ

"БАТТЕРФЛЕЙ ГРУПП"

— ОШХОНА АНЖОМЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ ФИРМАСИ ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИНИ БАҲОР ВА МЕҲР, ЯНГИЛАНИШ ВА ЁШАРИШ БАЙРАМИ —

НАВРЎЗИ ОЛАМ

БИЛАН ЧИН КЎНГИЛДАН МУБОРАКБОД ЭТАДИ. ФАРАХБАХШ

НАВРЎЗ БАЙРАМИ

ШАРОФАТИ БИЛАН ЎЗБЕКИСТОН ЮРТИГА ТИНЧЛИК, БАХТ ВА ФАРОВОНЛИК ТИЛАЙДИ.

"ГАНГАДХАРАМ АПЛЕЙНСИЗ ЛИМИТЕД" ваколатхонасининг вакиллари.

ХАЙРИЯ ТАДБИРЛАРИ

ҚАРШИ. Шаҳарда Наврўзга бағишланган бир талай тадбирлар ўтказилмоқда. Бу ҳақда ЎзХДП шаҳар кенгашининг биринчи котиби М. Туропов қуйидагиларни айтди:

— Ўтган шанба куни шаҳарда Наврўзга бағишлаб оммавий шанбалик ўтказдик. Шаҳарда 200 дан зиёд кам таъминланган оила бор. Шанбаликдан тушган пулнинг бир қисмини уларга улашамиз. Бундан ташқари, уруш, меҳнат, партия сафида бўлган фахрийларнинг юбилейлари ўтяпти. Афғонистонда ҳалок бўлган йигитларимизнинг хонадонида бўлиб, оилаларининг ҳолидан хабар оляпмиз. Моддий ёрдам уюштиряпмиз.

Шаҳар ёшлар иттифоқи билан ўқув юртларда, корхона ва ташкилотларда, маҳаллаларда Наврўзга бағишланган кўрик-танловлар, кечалар, сайиллар бўлиб ўтмоқда.

Илҳом КАРОМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

***

Куни-кеча Жиззах шаҳридаги «Иттифоқ» маҳалласи тиббиёт билим юрти, вилоят сув хўжалиги бирлашмаси, Зарбдор туманидаги «Ударник» ширкат хўжалиги, Мирзачўл туманидаги «Тошкент» ижара ширкат бирлашмаси, Пахтакор туманидаги жанубий Мирзачўл каналидан фойдаланиш бошқармаси, Амир Темур номли ижара ширкатлар бирлашмаси, Дўстлик туманлараро қишлоқ хўжалигини кимёлаштириш идораси бошланғич партия ташкилотларининг ташаббуси билан Наврўз байрамига бағишланган ҳашар-шанбалик ўтказилди. Мазкур ташаббус вилоятдаги кўплаб меҳнат жамоалари томонидан яқдиллик билан қўллаб-қувватланди. Ҳашар-шанбаликда ишлаб топилган маблағини қишлоқ ва маҳаллаларни ободонлаштириш, кам таъминланган оилалар, боқувчисини йўқотган болалар, ногиронлар, ёлғиз қарияларга моддий ёрдам бериш мақсадида ўтказиладиган хайрия тадбирлари учун сарфлаш кўзда тутилган.

Н. НУРМАТОВ.

Анъана

МЕҲРИБОНСАН, «МЕҲРИБОНЛИК!»

Пойтахтнинг Собир Раҳимов тумани кейинги пайтда хўб чирой очмоқда. Кенг равон йўллар қуриляпти, янги турар жой бинолари, маданий-маиший объектлар қад кўтармоқда. Энг қувончлиси шуки, маҳаллалар кун сайин обод бўлиб, бирин-кетин даҳаларнинг гузарлари пайдо бўлмоқда...

— Туманда ҳозирги кунда 87 та маҳалла қўмитаси ишлаб турибди, — дейди туман ҳокими Комилжон Жўраев. — Осойишталикни сақлаш ва ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишларида ва умуман, амалга оширилаётган барча ишларимизда маҳаллаларнинг хизмати беқиёс. Мана шуларни ҳисобга олган ҳолда келажакда мумкин қадар замонавий, ўзбекона янги бинолар, маҳаллаларнинг эса барча қулайликларга эга бўлган мукаммал тусдаги марказларини, яъни гузарлар қуришни мўлжаллаганмиз. Шу боис ҳозирданоқ бу каби ишларни бошлаб юбордик.

Дарҳақиқат, ҳокимнинг бу гапларида жон бор. Бунга кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Масалан, бир пайтлари «Қорақамиш-2/1» даҳасининг «Истиқбол» маҳалласидаги «Зарина» фирмаси ёнида ташландиқ, ўт-ўлан босган, аҳлатхонага айланган жой бор эди. Бу ердан ўтган-кетган одам қўланса ҳидга чидаб туролмасди. Буни қарангки, «Зарина» фирмасининг ёш, тадбиркор ва ишбилармон директори Маъруфжон Усмонов ташаббус билан отилиб чикди. У маҳалла аҳлига «Келинглар, шу ерни обод қилайлик. «Оталар оромгоҳи», чойхона, маҳалла марказини қурайлик» — дея даъват қилди. Ташаббуснинг қаноти бор. Тезда бу эзгу ниятни маҳалла қўмитаси раиси М. Исҳоқов, котиби Т. Икромов, маҳалла фаоллари ва ёшлар бир овоздан қўллаб-қувватладилар. Ўзбек халқининг азалий удуми ва одати бўлмиш ҳашарни бошлаб юбордилар. Кўп ўтмай бу ерда ажойиб бир маскан вужудга келди. Анвойи гуллар, турфа ўсимликлар, сайроқи қушлар, ҳовуздаги бир-бидан чиройли балиқчалар киши кўзини қувонтиради.

БУГУН эса бу ерда қўш байрам, қўш тўй. Бутун маҳалла аҳли Наврўз байрамини дошқозонларда ҳалим ва сумалаклар қайнатиб, зўр тантана билан кутиб олмоқда. Эркаклар ҳалим тайёрлашса, аёллар сумалак қайнатишмоқда, болаларнинг эса қувончи чексиз...

Юртбошимизнинг ажойиб бир сўзи бор. «Савоб ишни ҳар кун қилиш керак, савоб ишни ҳар ким қилиши керак». Нақадар эзгу ният. Маҳалла аҳли шундай савоб ишга қўл урди. «Зарина» фирмасининг шундоққина биқинида жойлашган 24-«Меҳрибонлик уйи» болалари бир гуруҳининг суннат тўйини ўтказишга аҳд қилди. Буни мазкур фирма ўз оталигига олди. Туман ҳокимлиги эса тўй болаларга атаб совғасаломлар тайёрлади. Наврўз байрами суннат тўйига уланиб кетди.

— Наврўз байрамини ҳар йили бутун маҳалла аҳли билан нишонлаш анъанага айланмоқда, — дейди фирма раҳбари М. Усмонов. — Маҳалламизда турли миллат вакиллари истиқомат қилишади. Улар Наврўз байрамини фақат ўзбекларнинг байрами деб ҳисоблашмайди. Аксинча, улар биз билан бақамти бўлган ҳолда ҳар кун қилиш керак, савоб ишни ҳар ким қилиши керак». Нақадар эзгу ниятлар. Маҳалла аҳли шундай савоб ишга қўл урди. «Зарина» фирмасининг шундоққина биқинида жойлашган 24-«Меҳрибонлик уйи» болалари бир гуруҳининг суннат тўйини ўтказишга аҳд қилди. Буни мазкур фирма ўз оталигига олди. Туман ҳокимлиги эса тўй болаларга атаб совғасаломлар тайёрлади. Наврўз байрами суннат тўйига уланиб кетди.

— Наврўз байрамини ҳар йили бутун маҳалла аҳли билан нишонлаш анъанага айланмоқда, — дейди фирма раҳбари М. Усмонов. — Маҳалламизда турли миллат вакиллари истиқомат қилишади. Улар Наврўз байрамини фақат ўзбекларнинг байрами деб ҳисоблашмайди. Аксинча, улар биз билан бақамти бўлган ҳолда байрамни зўр тантана билан ўтказадилар. Бугунги байрам дастурхонига маҳаллада истиқомат қилаётган турли миллат вакилларини, шунингдек «Меҳрибонлик уйи» ходимларини, ёнгинамизда жойлашган «Қариялар уйи»дагиларни таклиф этганмиз. Қани ҳалим ва сумалакка, суннат тўйига марҳамат!..

Ҳа, ҳақиқатан ҳам исми ва жисми ўзига монанд бўлган «Истиқбол» маҳалла аҳли Наврўз байрамини зўр кўтаринки руҳ билан кутиб олмоқда. Улар 26 март куни ҳам ана шундай хуш кайфият билан референдумга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти ваколатлари муддатини 2000 йилгача узайтириш учун яқдиллик билан овоз берадилар.

Тўхтамурод ТОШЕВ.

СУРАТЛАРДА: «Истиқбол» маҳалласидаги Наврўз байрами тантаналаридан лавҳалар.

Абдувоҳид ТЎРАЕВ олган суратлар.

КЎТАРДИ ЕР ЮЗИДИН СОЯ НАВРЎЗ.

Огаҳий

Кўклам йўқловлари

БУВАМ

Қишлоқ билан туташиб кетган кўгал тепаликда тадорик катта. Яқин ҳовлилардан бир маърака учун неки керак бўлса, ҳаммаси олиб чиқилган. Бир қозонда овқат қайнайди, яна икки дошқозон эл кўтариб келадиган таом учун шайлаб қўйилган.

Бувам тепаликнинг энг баланд ерига чиқадилар-да, қишлоқ аҳлини эл ошига чорлаб азон айтадилар. Эътиқод ва малакадан туғилган мусиқий довуш қишлоқ узра таралиб, ҳар бир хонадонга кириб боради.

Тепа, тепада майса, майсада гилам, гиламда эл, элда қувонч. Бор бўл-ей, Наврўз!

МОМАМ

Баҳор. Қўй-эчкилар қирда ёйилиб ўтлайди. Ёмғирда бир мунча юмшаган ердан таёқнинг учи билан туятўппон кавлаяпман. Гапириб юбормасам бас. Йўқса, илдизи қочиб кетади. Туятўппоннинг илдизидан момамга сақич қилиб бермоқчиман.

Жангалзорнинг қўйлар ораламайдиган жойларидан чучмўма, суллама, қоқи, такасоқол ва қўшоёқлардан ҳам териб каллапўшимга соламан-да, момамга олиб қайтаман.

Бутун қиш бўйи бир кеча-кундузда яримта олманинг ярми билан тирикчилик қилиб келаётган касалманд момам кўкатларни кўзига суртиб, беҳол шивирлайдилар:

— Кўкламга етказганингга шукур!..

... Ўша куни кечқурун момам қайтиш қилгандилар. Сен момамни соғинмадингми, БАҲОР?!

ОТАМ

Тонг отар чоғида туш кўрдим. Майсазор. Бир ёнда ариқдан зилол сув шарқираб оқади. Фариштасифат бир нуроний (отамни таниб қоламан) ва унинг ортидан оппоқ либосли беш муллаваччa сажжодаларини ямяшил майсалар устига ёзиб намоз ўқийдилар.

Ҳаводаги бегуборлик, рангларнинг тиниқлиги ва сажда савобидан руҳим енгил тортган бир паллада намоз тугади-ю, уйғониб кетдим.

Уйғондиму отамнинг уйларига югурдим. Келсам, отам эндигина бомдодни тугатиб, жойнамозларини йиғаётган эканлар.

Наврўз кечасининг тушлари ғаройиб бўлади-да!

ОНАМ

Баҳорий оқшом осмонида юлдузлар порлайди. Онам алла айтадилар. Болаликда оталаридан эшитган яримта қўшиқни мунг билан куйлайдилар. Онам бу қўшиқни ҳеч қачон тўлиқ эшитмаган. Бобом айта бошлаганлариданоқ, доим уйқу элитар экан онамни.

Укаларим аллақачон ухлаб қолишган. Онамдан қўшиқнинг давомини сўрайман. Онам эртагаёқ бобомдан билиб келишга ваъда берадилар. Умид билан уйқуга кетаман.

Бобом 103 ёшда боқий дунёга юз бурдилар. Онам, барибир, қўшиқнинг давомини сўраб улгурмади...

Энди мен ҳам болаларимга ўша ярим алла, армонқўшиқни эшитганимдек айтиб бераман:

Ва-ваққа-ё, ва-ваққа-а-а-а...

Тулки кирди чорвоққа-а-а-а-а-а...

Ғулом МИРЗО.

Қутлуғ кунда айтилган эзгу дуолар ижобат топсин!

Владимир МОЛГАЧЁВ сурат лавҳаси.

Арғумоқ остингдадур

ИЛИКУЗДИ ВА ЧИГИЛЁЗДИ

Табиат борлиғини намоён этиб, кундан-кунга фусункор манзара касб этмоқда. Енгил шабада эсиб, қуёш тикланиб бормоқда. Одамлар ўзларини боғ ва дала юмушларига чоғламоқдалар. Хўш, бундай кезларда тетик ва бардам юриш учун нима қилиш керак? Кексаларимиз март, апрель ойларини иликузди чоғлари деб бекорга айтишмайди. Боиси, бундай пайтларда танамиздаги дармондорилар сарфи кўпайиб, мадорсизлик сезилиб қолган бўлади.

Довучча-ю равочлар чиққунга қадар қандай йўл билан қувватимизни ошириб турсак бўларкин. Кўпчилик ёғлиқ гўштлару, қовурилган таомлар ўрнида бўлса, мадорсизлик писанд эмас, деган фикрда юрадилар. Лекин бундай бақувват таомларга ружу қўйиш кишини ноқулай аҳволга солиши ҳам мумкин. Чунки , саломатлик учун барча дармондориларни овқатлар орқали топишнинг иложи йўқ. Яхшиси эса бу борада сабзавотлар жуда қўл келади. Ҳозир нима кўп кўкпиёз кўп. Кунига 100 грамм кўкпиёз истеъмол қилинса, танамизнинг «С» дармондорисига бўлган кунлик эҳтиёжи деярли қопланади. Албатта, кўкпиёзнинг ўзини эмас, овқатларга солиб, салатларга қўшиб истеъмол қилиш фойдали кечади. Бундан ташқари, ҳозир редиска, турп, шолғом, картошка, сабзи, карам, саримсоқ, бош пиёз каби сабзавотларда сақланган дармондорилардан ҳам фойдаланиш мумкин. Истаган киши юқорида баён этилган сабзавотларни (картошкадан бўлак) майдалаб тўғраб, таъбга кўра тузлаб, сиркалаб, овқат олдидан истеъмол қилиб юрса, иштаҳани очиш билан бирга қувватига қувват қўшилаётганлигини сезади. Уй бекаларининг аксарияти помидор қоқи ёки помидор консерваларини тайёрлаб қўйишгани сир эмас. Булардан ҳам ўрнига қўйиб фойдаланиш зарур. Айтайлик, помидор қоқиларни фақат шўрвага солмай, майдалаб тўғраш ёки гўшт майдалагичдан ўтказиб, қайнатиб совутилган сувда ивитиб, бош пиёз, кўкпиёз қўшиш, саримсоқ, қалампир қўшиб ўзига хос аччиқ-чучук тайёрлаш мумкин. Яхшиси редиска ва турпдан тайёрланадиган салатни ўхшатишга уринсангиз ҳам бўлади. Бунинг учун ҳар иккала сабзавот майда сомонча қилиб тўғралади. Бироз совуқ сувга солиб қўйилади. Кейин сувини тўкиб сирланган идишга солиб, туз сепилади. Устига кўкпиёз, бошпиёз майда қилиб тўғралади. Ёғда қовурилган пиёз жуда асқотади. Имкони бўлса битта-иккита пишган тухумни майдалаб, севаласа ҳам бўлади. 2-3 дона саримсоқ пиёз бўлагини майдалаб солишни унутманг.

Қалампир солинг ва сиркалаб, аралаштириб дастурхонга тортасиз. Бундай салат хушхўр бўлиши билан бирга дармондориларга бойдир. Шунингдек, қатиқли шакароб ҳам кўл келади. 0,5 литрли қатиққа бир боғ редиска, шунча кўкпиёз, кашнич ва укропни яхшилаб тўғраб, тузлаб, қалампирлаб, аралаштирилади. Бундай шакаробни, айниқса, болалар хуш кўрадилар. Иложи бўлса наъматак, олмақоқи, туршакдан бир қисм олиб кечқурун қайнаган сувга ивитиб қўйинг. Эрталабга ажойиб ичимлик ҳосил бўлади.

Энди ўтирган ҳолатда меҳнат қилувчи кишиларга мўлжалланган баъзи чигилёзди машқларни тавсия этамиз. Маълумки, кўчага чиқиб югуриш у ёқда турсин, ҳамманинг кўз ўнгида турли жисмоний машқларни бажаришни ҳам ўзимизга эп билмаймиз. Шунинг учун ўтирган ҳолатда оёқ-қўл мушакларини ҳам ҳаракатга келтириш мумкин. Айтайлик, икки тиззангизни кафтларингиз билан маҳкам тутинг. Энди галма-галдан ўнг ва чап оёғингизни кўтаришга ҳаракат қилинг. Айни пайтда кўтарилаётган тиззаларингизни қўлингиз билан босишга урининг ва аксинча, оёқларингизни пастга тушираётганда уларни куч билан туширмасликка интилинг. Шунингдек, шу ҳолатда тиззаларингизни айрича сақлашга ҳаракат қилинг ва уларга қўлларингиз билан қаршилик кўрсатинг. Бундай машқни ўзингизга қараб, ўнта ва ундан кўпроқ бажарсангиз ошқозон усти, оёқ, билак ва елкаларингиз мускулларида нечоғлик ҳузурбахшликни ҳис этасиз. Машқларнинг мунтазамлилигига эришиш эса саломатлик омили саналади.

Мирзо АНВАР.

Байрам дастурхони

Элшунос олим Билол Аминовнинг муҳарририятимизга ташриф буюриб, даб-дурустдан ана шундай савол билан мурожаат қилишлари аввалига бизга ҳам эриш туюлди. Чунки сумалак тайёрлашнинг билағонлари ҳамда моҳир пазанда-олим Карим Маҳмудовнинг бу борадаги йўл-йўриқлари ҳаммага айён эди-да.

СУМАЛАККА ЁҒ СОЛИНАДИМИ?..

— Сирасини айтсам, — деб гап бошлайди Билол ака. — Турли вилоятларда сафарда бўлганларим, одамлар билан мулоқотларим чоғида сумалакнинг ёғсиз тайёрланиши ҳақида эшитиб юрардим. Зеро, шунчаки гап бўлса керак, деб эътибор қилмасдим. Ёғ солмай тайёрланган сумалакдан тотиб кўрганимдан кейин бундай баҳорий таомнинг тотими ҳам, хосияти ҳам ўзгача эканлигини ҳис этдим. Ҳиди ҳам ўзига хос ажралиб туради. Агар тошкентлик қадрдоним Абдураҳим Умаров янгича усулда сумалак тайёрланиш жараёнини бориб кўришни тавсия этмаганида мен ҳам шу пайтгача расм бўлиб келган ёғ солиб пишириладиган сумалакни «тан» олиб юраверган бўлар эдим.

— Демак, баҳорий таомнинг ўзига хос усулда тайёрланишининг шоҳиди бўлибсиз-да?

— Ҳа, Абдураҳим аканинг умр йўлдошлари Умринисо аянинг сумалак тайёрлашларини кузатишга тўғри келди. Тайёрланиши умуман олганда шу кунгача ҳозирланиб келинаётган сумалаклардан деярли фарқ қилмас экан. Кези келганда одамлар ўртасида сумалакка шакар солинса, керак деган нотўғри тушунчага аниқлик киритгим келади. Кимёгар ва биолог олимларнинг фикрига қарагандa сульфат кислотаси билан оддий хашакка ҳам таъсир қилинса шакарга айланиши мумкин экан. Сумалак учун буғдой ундирилган даврда эса дон қобиғида биастаза, яъни фермент ҳосил бўларкан. Бундай фермент эса кучли таъсирли бўлиб, кўпгина моддаларнинг биокимёвий ўзгаришига сабаб бўлади.

— Сумалакни халқимиз тилида женшень деб юритилишига нима дейсиз?

— Бу ҳам бежиз эмас. Чунки Эмерсон ва Эванс деган немис олимлари буғдой ўсимтасини текшириб, ҳайратга тушганлар. Боиси, буғдой таркибида «токофероль» деб аталувчи модда бўлиб, бу нимранг, илашимли, ёғсимон дармондори хусусиятлари билан женшень, яъни «Е» дармондорисининг ўзи эканлиги аниқланган.

— Сиз айтмоқчи бўлган, яъни ёғ солинмай тайёрланадиган сумалакнинг оддийсидан нимаси билан фарқланиши ҳақида гапириб берсансиз?

— Буғдой ундиришдан тортиб қозонга солингунча бўлган жараёнда деярли фарқ йўқ, деса бўлади. Хусусан, жайдари ё қайроқи буғдой олинади. У яхшилаб совуқ сувда ювилиб, сирли идишда 3 кун ивитилади, сувни тортса сув қуйиб турилади. Буғдой бурта бошланганда сувини тўкиб, тоза тахта устига 1-1,5 см. қалинликда ёйиб устига дока ёпиб қўйилади. Ўртача ҳароратда, ёруғ, лекин қуёш нури тушмайдиган жойда сақланади. 3-4 кунгача сув севалаб турилса, майса униб чиқади. Майсасининг бўйи 1,5 см.га етганда уни 10х10 см, бўлакларга бўлиб, келида туюлади ёки гўшт майдалагичдан ўтказилади. Масалиққа озроқ сув қўшиб докадан сузилади, шарбатини алоҳида олиб қўйилади. Қолган тулпини яна сувга аралаштириб, иккинчи бор сузилади-да, бошқа тоғорага солиб қўйилади, бу жараён учинчи бор ҳам такрорланади.

Энди Умринисо аянинг қозонга ёғ солмай сумалак тайёрлаши ҳақида. Оловни ёқиб, қозонни тозалаб, қуруқлатта билан артиб олинади. Қуръон тиловат қилинади. Фақат ирими учун 30-50 грамм ёғни қозонга қуйиб, атрофларига суртиб чиқилади. Кейин биринчи шарбат қозонга қуйилади ва устидан ун солинади, ҳамда қумоқлари қолмагунча яхшилаб аралаштирилади. Аталасимон аралашма қайнаб чиққач иккинчи шарбат қуйилади, унинг ҳам қайнашини кутиб, учинчи шарбат солинади. Қайнаган сари қуюқ тортиб бораверади. Сумалакни етилтириш учун қайнаган сув солинади. Таом тагига олмаслиги учун 10-12 дона силлиқ тошларни сувда қайнатиб, кейин қозонга солиб юборилади. Сумалак етилаётганда пуфакчалар ҳосил қилиб, ёрила бошлайди. Ранги жиггарранг тус олиб, муаттар ҳид атрофни тутади. Қизиги шундаки, бундай усулда тайёрланган сумалак етилтириш учун димланмайди. Демак, вақтдан ютилади. Энди сумалакка ёғ солиниши ёки солинмаслигига келсак, баҳорий таомнинг тарихи узоқ ўтмишга бориб тақалишидан дарак беради. Чунки, ёғ эмас, аввал буғдой пайдо бўлган бўлиши керак.У эмас, бу эмас сумалакнинг қайси усулда тайёрланишидан қатъи назар одамларга қувонч, қувват ва завқ бағишлаши табиий.

Суҳбатдош Ҳайдар НОСИРОВ.

ҲАЛИМ

— Ҳалим халқимизнинг узоқ йиллардан бери давом этиб келаётган туйимли, дармондориларга бой, мижозни мўътадиллаштирувчи баҳорий тансиқ таомлардан саналади, — дейди пойтахтимизнинг «Ракат» маҳалласи уста ошпази Улмас Шукуров. — Дастурхонга тортилган сумалакнинг ўз ўрни бор. Лекин, ҳалим байрамга ўзига хос тантановорлик бахш этади. Чунончи, ҳалимнинг лаганларда худди ош тортилгандек қулма-қўл дастурхонларга қўйилиши ўзига хос кайфиятни пайдо қилади. Назаримда, ҳалим ҳақида, уни тайёрланиши тўғрисида нима учундир бирон-бир адабиётда тўлиқроқ маълумотни учратиш қийин. Шунинг учун маҳаллаларда юртни чорлаб, тарқатиладиган катта ҳалимнинг қандай тайёрланиши ҳақида фикр юритиш лозим.

Ҳалим тайёрлаш учун камида 100 килограммли ошга мўлжалланган дошқозон танланади. Қозонга тушадиган масаллиқ ҳам етарли ва сифатли бўлиши лозим. Хусусан бундай қозонга 50 килограмм тоза буғдой олинади. 100 килограмм гўшт керак булади. Мол гўштининг ёғлилигига қараб, имкон даражасида тахминан 10 килограммча думба ҳам қўшилса, таомнинг қуввати оширади. 20-24 килограмм пахта ёғи ишлатилади. 4 килограмм пиёз ҳамда 90-100 литр сут ҳозирланади.

Ёғни яхшилаб доглаб, бўлакларга бўлинган гўшт қизаргунча қовурилади ва устига тўғралган пиёз ташланади. Кейин сув қуйиб олдиндан қалиларда ошланган буғдой солинади. Буғдой қуринишдан худди гуручни эслатиб туради. 2 килограммга яқин туз сепилади. Қайнагунча ёғоч қуракларда қавлаб турилади. 10-12 соат милдираб қайнаши лозим. Суви бугланса, яна сув солиш мумкин.

Ҳалим тайёрлаш кундузи соат 13 ларда бошланган бўлса, кечаси 24 ларга борганда оловни тортиб, димланади. Бир соатдан кейин қозонни очиб таом сиртига сирқиган сувни қўшиб, яхшилаб аралаштириладида, яна олов ёқилади. Қайнагандан кейин қисмларга бўлиб сут қуйилади. Шу тариқа паст оловда таомни милдиратиб, тонг саҳарга яқин етилтирилади. Одамлар бомдод намозидан кейин айёмларда наъра тортувчи қарнайлар садоси остида гуруҳ-гуруҳ бўлиб кела бошлайдилар. Ҳалимни эса лаганларга сузиб таъмини созлаш мақсадида 25-30 граммларга бўлинган сариёғлардан солиб устига шакар сепиб, дастурхонга тортилади. Бундай ҳалимни еганнинг савобига нима етсин.

«НАВРЎЗ» БОШҚОТИРМАСИ



Аввал қуйида таърифланган сўзларни топиб, шакл марказидаги рақам битилган хоналарни «занжир» ҳолда ёпишга ҳаракат қилинг.

1. Шарқнинг мумтоз шоири Абулқосим Фирдавсийнинг «Шоҳнома» асарида баён этилган йилнинг кун ва ойларига ном бериб, йилнома жорий қилган биринчи подшо. 2. Наврўз айёми таоми. 3. Коинотда рўй берадиган ҳодиса. 4. Хушбўй кўклам гиёҳи. 5. Илк баҳор гули. 6. Наврўз нишонланиб келинган мамлакатларнинг арабча умумий номи. 7. Қадимий йил ҳисобидаги биринчи ойнинг арабча номи. 8. Наврўзни йилнинг офтоб ҳамал буржига кирганда нишонлашни буюрган IX асрда яшаган халифа. 9. Энг азиз неъмат. 10. Фарғона водийсидаги гуллар шаҳри. 11. Мумтоз шоир Лутфийнинг «Гул ва Наврўз» достонида баён этилган мамлакатлардан бири. 12. Наврўз таомлари пишириладиган буюм. 13. Муқимий шеъри. 14. Хушбўй ошкўк ўсимлик. 15. Наврўзни замонасининг одатига мувофиқ нишонлашни буюрган Сосонийлар сулоласининг «одил» деб ном олган подшоси. 16. Буюк мутафаккир олим Умар Ҳайёмнинг шарқ халқлари байрами ҳақидаги асари. 17. Наврўз тўғрисида илк маълумотлар баён этилган Туронзаминдаги биринчи китоб. 18. Ўзбек мумтоз шоири, «Навбаҳор айёми» ғазали муаллифи. 19. Вақт ҳисоби. 20. Баҳор гули. 21. Энг кўркам, хушбўй, манзарали ўсимлик. 22. Парранда, кўклам элчиси.

Муаммонома: қуйида таърифланган сўзларни топиб очқични ҳал этинг.

1. Шарқ халқлари йил ҳисоби — 10, 18, 16, 46.

2. Шоирларнинг ижодий мусобақаси — 10, 18, 1, 20, 2, 9, 4.

3. Чорва ўтлайдиган кенг майдон — 5, 12, 6, 20, 17.

4. Қисқа дастали, пардасиз мусиқа асбоби — 19, 15, 8, 2, 14.

5. Мевали дарахт «онаси». — 21, 4, 3, 4, 11.

6. Кун чиқиш пайти — 13, 20, 3, 7.

Энди очқич сўзлар жаволари асосида шакл атрофидаги рақамларни мос ҳарфлар билан алмаштириб муаммономани ечинг. Бунда айём бўладиган Наврўз ҳақидаги сўзлар ўрта асрнинг қомусий олими Абу Райҳон Беруний ва Ибн Сина ҳақидаги асарлар номи бўлади.

Тузувчи Фозилжон ОРИПОВ.

НАВРЎЗ БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК

ТАШКИЛОТ

ТОШКЕНТДАГИ ОМБОРДАН

ТАКЛИФ ЭТАДИ

— аёллар ва эркаклар пойабзали (Италия, Португалия маҳсулотлари).

Овруپо мамлакатларидан келтирилган ичимликлар сотуви давом этмоқда:

—Италия ва Испаниянинг энг яхши винолари;

—Италия мева ликёрлари;

—7 хил турдаги шампан винолари, джин, виски, "Наполеон" коньяги (Италия);

—Италия, Голландия, Исландия, Бельгиянинг турли хил ароқлари;

—Грециянинг 4 хилдаги коньяклари;

—"GOLDEN AMERICAN" сигареталари;

"CITIZEN" калькуляторлари, компьютерлар.

Ҳар қандай озиқ-овқат маҳсулотларини, пойабзал, кийим-кечак, ортехникаларни етказиб бериш учун буюртмалар қабул қиламиз.

Алоқа учун телефонлар: 45-55-65, 45-70-65.

Байрам албатта нонсиз ўтмайди. Шу боис мамлакатимиздаги юзлаб новвойхоналар, минглаб қўли гул новвойлар шодиёна куни ҳам астойдил меҳнат қилишяпти. Улар халқимиз дастурхонига сифатли ва лаззатли нон ва нон маҳсулотлари етказиб беришаётир. Жумладан Шароф Рашидов тумани маркази — Пахтаободдаги нон заводи жамоаси ҳам чўлқуварларга кўплаб сифатли нон маҳсулотлари етказиб берянти. Шуниси қувончлики, корхона азаматлари бир кеча-кундузда 2,5 минг дона сифатли маҳсулот ишлаб чиқариб, аҳолига етказиб бермоқда. Бу ерда тайёрланаётган нон сифатига кўпчилик юксак баҳо бермоқда.

Суратда: илғор новвой Шоҳиста Норматова билан корхона раҳбари Эсонбек Холиқов.

Нурмамат АЛМУРОДОВ олган сурат.

· Наврўз мушоираси

ЎМРИМИЗНИНГ ОЛТИН ДАМЛАРИ

Ширин АКБАРОВА

КЕТМА БИЗДАН БАҲОР, КЕТМА СУМАЛАК!

***

Осмонни қулдирар қизлар кулгуси,
Оймомо жилмаяр бели камалак.
Ялпизлар атридан тун маст бўлгуси,
Ўчоқ мушак отар, қайнар сумалак...
Илоҳий бир қудрат этагин тутган,
Юрак тилар титраб дардига дармон.
Тарки маъво қилиб дилни унутган,
Мадҳиш армонларнинг кўзида армон.
Уйғонди покликка ташна туйғулар,
Юракнинг кир, ёлғон ўтмиши абас.
Дошқозонга яқин келмас қайғулар,
Кел, обод дамлар бу, ғанимат нафас!
Бир-бирин кўмакка тез-тез чорлаган,
Қиз-жувон хизматда чопиб юради.
Юзида покликнинг нури порлаган,
Кампирлар тонг қадар суҳбат қуради.
Нуроний боболар айтар шукрона,
Бугун қадам қўяр Наврўзи олам.
Кўйлаклар тикади қайсидир она,
Наврўз куни янги кийсин, деб болам.
Наврўз — умримизнинг олтин дамлари,
Шикаста кўнгилнинг малҳамидир у.
Эски кунда қолар дил ситамлари,
Баҳорнинг энг файзли қадамидир у.
Иймон, эътиқодга путур етмасин,
Кўп кўрмасин бизга бу кунни фалак.
Кўксимиз тўлдирган ҳурлик кетмасин,
Кетма биздан баҳор, кетма Сумалак!

Барот ЯРАШ

ҚАРА, ЭЙ ДИЛ...

Сўнгги қорлар эриб битдилар,
Дала-боғлар қолди қорайиб.
Кўнгилларда гул очадиган
Кунлар келди кўҳли, ажойиб.

Ҳали номи ноаниқ, тансиқ,
Гиёҳларнинг ҳиди уфурар.
Гўзалликнинг ранглари қалбда
Томирларда қонлар гупурар.

Қара, эй дил, ўнгирлар ана,
Яшил рангдан тикмоқда ялов.
Юракларда янги ҳис-туйғу,
Янгича ўт, янгича олов.

Наврўз келмиш-еллар хушнафас
Тошларда ҳам ундирибди гул.
Янги ҳаёт қўшиғин куйлаб
Чарх уради боғларда булбул.

Наврўз келди, дошқозонларда
Қайнар ҳалим, қайнар сумалак.
Нур аралаш ёмғирлар ёғар,
Уфқларга тортиб камалак.

О, янги кун томирларимга,
Қалдирғочлар солган тоза қон,
Сенинг меҳринг тушган юракда
Юксалади ҳур Ўзбекистон.

Озода БЕКМУРОДОВА

ҚИРЛАР УЗРА ҚИРҚ ҚИЗЛАР НАЗМИ

***

Қирқ кеча,
қирқ кундуз афсунлар ўқиб,
севгимдан сеҳрли афсона тўқиб,
бошингизни боғлаб сеҳру жодуга
кўзингизни кўмиб,
кумуш ёғдуга,
Олиб кетар бўлсам ой чиққан тунда
Сиз меники бўларсиз, шунда.
Шунда кўкда юлдузлар базми,
Қирлар узра қирқ қизлар назми,
Ишқимиздан эртак тўқирди,
Қушлар бизга никоҳ ўқирди.
Ой манзилда, тутиб гўшанга,
Кўзларимни ичинг ўпганда.
Кун келади...
Туғилади зар кокилли қиз,
Олтин сочли ўғлон туғилар.
Сиз шоҳсувор, менда дилафрўз,
Кўкрак бериб кетар, буғулар.
Бу толега — тан берур қисмат,
Ўзимники бўлурсиз албат.
Икки ёнда олтин бешиклар,
Тебратади наззора гуллар,
Тахайюлнинг маҳкумасини.
Овутади оввора гуллар.
Қирқ кеча,
қирқ кундуз афсунлар ўқиб...

***

Сиз барибир яхшисиз, бегим,
Сиз-ла ўтган кунлар қутлуғдир.
Хаста табассумли лаҳзалар,
Гарчи ҳижрон янглиғ синиғдир,
Мен мастона жон берган кеча,
гул-гул ёнган дийдор ҳувайдо,
О, у дамлар, мангу шабафрўз,
айтолмасман зинҳор алвидо!
Паришондир сизсиз бу умр,
Сиз-ла ўтган тунлар улуғдир.
Чашмим ўпиб, суюнган шомлар,
Балки афсунларга тўлуғдир.
Сиз барибир яхшисиз, бегим...

Дилшода САЙДОЛИМОВА

ЮЛДУЗИМ, НЕГА СЕН БУНЧА ОЛИССАН?

***

Тоғларга бош олиб кетсам,
Нигоҳларинг унутгайман.
Соғинчларинг тўсса йўлим.
Кўнглим юлиб ирғитгайман.

Соя каби яшайман сўнг,
Ҳис-ҳаяжон бузмай кўнглим,
Ишларим ҳам келади ўнг,
Муҳаббатсиз топиб қўним.

СЕН КЕТАРСАН

Сен кетасан,
Мен кетаман —
Айтилмаган сўзлар билан...

Сен кетасан,
Мен кетаман —
Отилмаган тошлар билан...

Сен кетасан,
Мен кетаман --
Очилмаган кўзлар билан...

***

Юлдузим, нега сен бунча олиссан?
Қўлим етмайди чўзсам.
Кундузим, нега сен бунча ёруғсан?
Кўзим қамашар боқсам.

ТЎЛҚИН

ҲАММА СЕВАР ФАСЛ БУ

Она ер уйғонган, осмон бир кўзгу,
Беҳад соғингандим, бу ҳуш наҳорни,
Дилга чўкаверса покиза туйғу,
Кутиб оласанми сахий баҳорни?

Шоир қилиб қўяр ҳаммани яккаш,
Ошиқнинг қўлига тутар дуторни.
Пешонанг силаса эркалаб қуёш,
Дўстим, сезяпсанми, ўтли баҳорни?!

Оқ булут-момомнинг дока рўмоли,
Далага чорлайди ҳар ишқи борни.
Ялпизни илинса кампирга чоли,
Ким ҳам севмас эди эрка баҳорни!

Қизча ялпиз терар ариқ бўйидан,
Булбул хониш қилар излаб зор-зорни.
Момолар чиқаркан қишнинг уйидан,
Хира кўзларига суртар баҳорни!

Ўн саккиз ёшига қайтмиш одамзод,
Ҳамманинг дилида ўт нафас бордир.
Кўклам ёмғирига чўмилган ҳаёт,
Ахир бугун Наврўз — гулгун баҳордир!

Зухра РУСТАМОВА

МУҲАББАТ

Мен сенга талпиниб яшадим,
Мен сени соғиниб яшадим,
Мен сенга сиғиниб яшадим,
Ҳаётим, борлиғим, ҳалол муҳаббат!

Сен мени зорлатиб яшадинг,
Сен мени хорлатиб яшадинг,
Сен мендан орланиб яшадинг,
Умримга бўлдинг-ку завол муҳаббат!

Орзуларим сароб айладинг,
Юрак бағрим кабоб айладинг,
Охир мени хароб айладинг,
Нокаслар қўлида увол муҳаббат!

Сен дунёмсан, ҳам шоним менинг,
Ҳам ҳаётим, имоним менинг,
Қўлим етмас армоним менинг,
Муҳаббат, муҳаббат, муҳаббат!

Турсунхон АСРОРОВ

БУ ДУНЁ ТИЛСИМДИР

***

Ортингга бир қара, тўхтагин бир пас,
Бу пана муваққат, бу пана абас.
Чашмингга мил тортмай бу тийра доғлар,
Бир дам эзгуликдан бера олсин дарс.

***

Ҳаётда учрайди турфа кимсалар,
Кимдир чоҳ қазийди, кимдир гул экар
Яна ким иғводан тикаётир дор,
Бу дунё тилсимдир, бу дунё ағёр.

***

Тиконли йўлларда тавонинг қонаб,
Кетса-да, орсизга қолмасин кунинг
Нурли манзилларга қараб кетавер
Ҳақ бор, бутун умр ёришар тунинг.

· Митти юлдузлар

Ойбек ўлкан ва гавжум, сершовқин пойтахтда туғилган. Аммо — у ҳар йили мойчечаклар майин навозиш қилганда, бойчечаклар қиқирлаб «кулганда», ям-яшил майсалар бутун қир-адирларни қоплаб, сарин елларга қўшилишиб югураётганда Нурота тизма тоғларининг сўлим бағрида жойлашган Гараша қишлоғига кириб боради. Шарқираб оқаётган булоқ — сузуклардан ҳовуч-ҳовуч дур ичади. Гижинглаган от жиловини эркин қўйиб уюрлар ортидан қушдек учади. Узун қиш пўстинини елкасидан улоқтирган отамерос токлар ялроқ ёйиб, яшил наво тараётган шукуҳли лаҳзаларни юрак-юракдан ҳис этади. Бу жўшқин туйғулар унинг кўнглида шеър ғунчаларини очади. Бу назм ғунчаларини менга манзур этган сир-ундаги топқирлик, жозиба ва самимияттир.

Азим СУЮН.



***

Ёз чорбоғи... Оқшом чоғи, ўриклар
Қўлларини уфққа силкиб қолдилар.
Зумрад зарлик қуйлаклари ичра бир
Қўлларимга олтин тошлар солдилар.

Ёз чорбоғи, қуёш аста овуниб
Сўнгги дафъа, оқшом чоғи боқди бир,
Мовий гумбаз — унинг тахти йиқилиб
Ой-ла юлдуз янги тахтга чиқдилар.

Аҳён-аҳён кўкда юлдузлар учди,
Қўлларини кўзимга уйқу қўяр.
Вазмин туннинг либосин аста қучди
Ёз чорбоғи, оқшом чоғи ўриклар...

ҚУЁШ КЎКДАН ЗАР ЁҒДУ СЕПАР

ТОНГ

Саҳар чоғи, ҳар нарса ухлар
Ўраниб жим ипакка гўё.
Сукунатдан ёғилар ифор
Сел қилгувчи оқади наво.

Мудроқ борлиқ уйғонар аста
Эсар майин сабуҳ еллари.
Оқ ридосин тонг ёпар кўкка
Ёйилади зар этаклари.

Гўзал тонгнинг оқ ридосида
Ой чиройи бир зумда сўлар.
Юлдузлар-да терилиб бир-бир
Шабнам бўлиб ерга тўкилар.

Сутдай оппоқ тонгни олқишлаб
Қуёш кўкдан зар ёғду сепар.
Тиниқ-тиниқ қуйлайди қушлар,
Этагидан ҳур тоғлар ўпар.

***

Юлдузларга орзум сўйларман
Узун тунлар оғушида мен,
Хаёлларим баҳам кўрарман
Ухлаётган еру кўк билан.

Орзуларим тинглайди бунда
Фақат мудроқ дарахтлар, тоғлар,
Боғ қўйнида чулдираб жилга
Сокин оқиб кайфимни чоғлар.

«Умрим қисқа, ўйнаб қолай», — деб
Шовулламоқ қамиш эрмаги.
Узун умр ҳассасига таяниб
Чинор сўйлар ўтмиш эртагин...

***

Тераклар, бошларин кўкка қадаган,
Паришон хаёллар ичра овора,
Тебранар, шитирлар узун қўлларда
Зумрад тангаларин қилиб ошкора.

Тераклар, бошларин кўкка қадаган,
Тебранар, шитирлар паришон,
Сози йўқ куй чалар елларда
Бебош тўлқинларни эслатиб бир он.

***

Теран хаёлларга ботиб сой
Қаршимдан буралиб ўтмоқда,
Сойнинг ой юзида сирғалиб
Кунинг иссиқ тиғи ўчмоқда.

Сой бўйи, турфа хил товланар
Ранг тошлар устида ўйноқлаб,
Шамолда жийдалар солланар
Сув бетин оҳиста тирмалаб.

Шовуллар дарахтлар шамолда,
Ўйларим уларга қочмоқда,
Қаршимдан, ботириб хаёлга,
Теран сой буралиб оқмоқда.

Ойбек ҲАКИМОВ.

Дил изҳори

ҚАЙСИ ГУЛНИ ЯХШИ КЎРАСИЗ?

Кўнглингизга ёруғлик тушди. Ўйланиб қолдингиз. Шошманг, қайсиниси... Юрагингиз бир орзиқиб кетди-я. Боиси, энг яхши гул... У инсон руҳиятини уйғотади, хотирасини тирилтиради, ўзлигини англатади.

Дарвоқе, қайси гулни дедингиз?:

Ҳалима НОСИРОВА, халқ артисти:

— Энг яхши кўрган гулим — сирень. Унинг ранги бетакрор. Бошқаларга билмадиму, лекин мен учун бу ғаройиб. Узгача таърифга ҳожат йўқ.

Галина ПУГАЧЕНКОВА, академик:

— Лола! У менга кўп ажиб хотираларни эслатади. Айниқса очилиб турган лаҳзаларида шундай ширин кайфият бағишлайдики... Яна атиргул ҳам яхшию, афсус бечора кўп яшамайди-да!

Бек ТОШМУҲАМЕДОВ, Олий Аттестация комиссиясининг раиси: — Менгами, оддийгина дала гуллари ёқади. Чунки улар табиий ва қуёшнинг шаффоф нурларини кўпроқ эмадилар.

Шаҳноза ҒАНИЕВА, «Останкино» телекомпаниясининг Ўзбекистондаги мухбири: — О, барибир бу қийин савол. Энг, энг... яхши гул — хризантема-да! Айниқса катта-катта бўлиб очилгани жуда яхши.

Исмоил СУЛАЙМОНОВ, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими: — Юзига шабнамдан маржон таққан оқ атиргулга не етсин?

Рим ГИНИЯТУЛЛИН, мелиорация ва сув хўжалиги вазири:

— Атиргул-да, дўстим, атиргул! Э, унинг ғаройиб ва ажойиб тароватини айтмайсизми!

Ҳамид ЗИЁЕВ, тарих фанлари доктори:

— Оқ атиргулни жонимдан ортиқ яхши кўраман. Боиси, оқлик — поклик, нурафшонликни англатади у. Ҳаётимизда кўп қора кунларни кўрдик. Етар энди. Бундан буён халқимизнинг, мамлакатимизнинг йўли ойдин, келажаги нурли бўлишига ишонаман.

ГУЛНОРА, гулчи:

— Қайсиниси яхши дейсизми, мен учун ҳаммаси яхшида, албатта. Қизиқ экансиз, гулнинг ёмони ҳам буладими?

Нор ҚОБИЛ ёзиб олди.

САВОБ

Назарга тушишнинг йўли кўп. Аммо Зангиота туманидаги «Деҳқонобод» маҳалласининг етти ўғлони бу эҳсон дастурхонини там-тама учун қилганмас.

— Биз тўрт ака-ука уч нафар яқин қариндошларимиз билан бирга қишлоғимиз қабристонида ётган авлодларимиз хотирасига бағишлаб маърака ўтказишни лозим топдик дейди, — Зангиота туман ИИБ ходими, милиция капитани Тоир Нуралиев. — Шу баҳона маҳалла ёшлари томонидан ҳашар ҳам уюштирилди.

Ўша кун қабристон атрофи тозаланди. Мевали дарахтлар ўтказилди. Тушликда эса ош дамланиб, дастурхон ёзилди.

Маҳалла оқсоқоллари авлодлари руҳини шод этган савобталаб ёшлар ҳақига дуо қилишди.

Малоҳат МИНГБОЕВА.

ШАРҚШУНОСЛАР ДАСТУРХОНИ

Тошкент Давлат Шарқшунослик институтида қадимий ва навқирон Наврўз тантаналари катта шоду хуррамлик билан кутиб олинди. Шу муносабат билан турли тадбирлар амалга оширилди. Шанбалик ўтказилиб, майдонларга ҳар хил кўчатлар ўтқазилди. Айниқса, «Қурияшунослик» факультетида корейс тили бўйича, «Эрон-афғон» кафедрасида форс тили бўйича Наврўзга бағишлаб ўтказилган олимпиадалар сермазмун, ранг-баранг ва қизиқарли баҳсда ўтди. Мазкур тадбирларда Корея Республикаси ҳамда Эрон Республикасининг Ўзбекистондаги элчилари, корейс-ўзбек, афғон-ўзбек, эрон-ўзбек марказлари ва қўшма корхоналари, фирмаларининг вакиллари қатнашдилар.

Институт Маданият саройида меҳмонлар, профессор ўқитувчилар учун катта зиёфат берилди. Ўзбекистон Фанлар академияси мухбир аъзоси, Олий Мажлис депутати, институт ректори профессор Неъматулло Иброҳимов тўпланганларни Наврўз байрами билан самимий муборакбод этди. Таниқли шарқшунос олим, мутаржим Шоислом Шомуҳамедов ўз табрик сўзида собиқ совет тузуми даврида Наврўз тантаналари ўтказилмаган пайтларда ҳам шарқшунослик филологиясида бу байрамнинг алоҳида жасорат ва ғурур билан нишонланганлигини айтиб ўтди. Кечада шоира Нилуфар ўзининг Наврўз, баҳор ва аёлларга бағишланган шеърларидан ўқиб берди. Таниқли санъаткорлар, Ўзбекистон халқ артистлари Ғуломжон Ёқубов, Маъмура Эргашева, хонандалар Г. Эрқулова, Э. Рўзиматов, М. Сатторовалар ижро этган куй-қўшиқлар, иқтидорли қизиқчи Обид Асомовнинг ичакузди ҳангомалари барчага манзур бўлди. Институт талабалари учун ош ва сумалак тарқатилди.

Орифжон ЖУМАЕВ,
Тошкент Давлат Шарқшунослик институти ўқитувчиси.

(«Ўзбекистон овози»нинг навбатдаги сони 22 март, чоршанба куни чиқади).

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Бош муҳаррир: Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати:
Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Азиз ҚАЮМОВ, Алишер МАРДИЕВ, Аслиддин БОЛИЕВ(масъул котиб), Ислом ШОҒУЛОМОВ, Тўхтамурод ТОШЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Хайрулла ЖЎРАЕВ, Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

Хатлар ва оммавий ишлар бўлими - 33-76-04, 32-54-06.
Қабулхона -- 33-65-45, 32-55-15.

Реклама ва эълонлар бўлими тел: 33-38-55, 32-54-12.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда -- 5-27-11; Жиззахда -- 3-31-86; Нукусда -- 7-58-83; Урганчда -- 6-51-35;
Бухорода -- 3-54-87; Навоийда -- 3-75-43; Самарқандда -- 35-22-90; Фарғонада -- 26-37-16;
Гулистонда -- 2-26-22; Наманганда --6-43-43; Тошкентда-- 32-26-70; Қаршида -- 3-25-79;
Қумқўрғонда -- 5-26-24.

· Рўйхатдан ўтиш тартиби №00 120. · Газета офсет усулида А--2 форматида босилади.
· Ҳажми 2 босма табоқ. · Г -- 0098, 48544 нусхада босилди.

Навбатчи муҳаррир А. РЎЗИЕВ, навбатчи У. ФАЙЗИЕВА.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти -- 21.00. Топширилди -- 20.45

1 2 3 4 5 6.